



“Сув таъминоти ва оқава сув объектларини қуриш бўйича ИК” УК Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Р.Холиқназаровга

Техник шарт

2022 йил 17 октябрдаги 485-сонли хатингизга асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрел кунги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора тadbирлари” тўғрисидаги ПҚ-5072 сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон тумани Бекобод МФЙ ҳудудида яшовчи аҳолини ичимлик суви таъминоти тизимини яхшилаш мақсадида қуйидаги ишлар бажарилиши талаб этилади.

Ичимлик сув бўйича:

Ўзбекистон тумани Бекобод МФЙ ҳудудида яшовчи аҳолининг бир кунлик сув сарфи 2218 м³ ҳисобланиб ичимлик сув билан таъминлаш учун уланиш нуқтаси: Бекобод МФЙ ҳудудига 1 дона ичимлик сув кудуғи казиш, 1 дона замонавий электр тежамкор ичимлик сув насоси ўрнатиш, 1 дона сув ҳисоблагич ўрнатиш, 1 дона 25м³ бўлган ичимлик сув минораси ўрнатиш ва унга UZSUVTAMINOT логотипи тушуриш ҳамда автоматик ўчириб ёқиш ускунаси (Поплавок) ўрнатиш, 1 дона трансформатор (ТП) ўрнатиш, 1 дона электр бошқарув (шит каскад) ўрнатиш, 1 дона зарарсизлантириш биноси қуриш ва тўлиқ жихозлаш, объектни химоя зонасини ўраш, гидравлик ҳасоб-китобларга кўра лойиха асосида мавжуд тармоқга улаш ишлари ШНҚ, ҚМҚ талабларига ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда бажарилсин.

Ичимлик сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа муҳандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

Лойиха смета ҳужжатлари ишлаб чиқишда тажрибали лойиха институтларини жалб қилган ҳолда лойиха смета ҳужжатлари ишлаб чиқиш ва давлат экспертиза хулосалари олингандан сўнг, қурилиш монтаж ишлари амалга оширилсин. Тайёрланган лойиха-смета ҳужжатлари қурилиш-монтаж ишлари бошлангунига қадар Вилоят “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ бош муҳандиси билан келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув объектлари лойиха смета ҳужжатлари “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ билан келишилиши белгиланган ва 1(бир) нусха лойиха смета ҳужжатлари берилиши шарт. Акс ҳолда мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета ҳужжатлари келишилмаган ҳисобланади ва мазкур объектлар “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга булиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида ҳақиқий деб ҳисобланади.

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ
Бош муҳандиси:

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ
ИЧБ бошлиғи:



И.Абдуллаев

Л.Ҳамилов